Адлия ёрдам берди

# Қўлланилган жарима

## бекор қилинди

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди.**

ЖУМЛАДАН, Қумқўрғон туманида фаолият юритаётган Ўзбек-Юнон "Олтин чигит" қўшма корхонаси томонидан етказиб берилган маҳсулот учун 2012 йил март ойидан буён "Пайтуғ пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамияти тўловни амалга оширмаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганилди ва натижалари бўйича Андижон вилояти хўжалик судига умумий қиймати 145.454.246,4 сўмлик даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан хорижий инвестициялар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти юзасидан мониторинглар ўтказиб келинмоқда.

Термиз шаҳрида фаолият юритаётган "Меридиан отель" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида 2012 йил февраль ойида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан режали текшириш ўтказилганлиги мазкур мониторинг натижасида аниқланди.

Текширишда бош бошқарма ходимлари қўшма корхонанинг ходимлар бўйича мутахассиси О.Қаҳҳорова ҳамда техника бўйича жавобгар Ў.Жабборовга нисабатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси, 1-қисмига асосан маъмурий баённома расмийлаштириб, жарима қўллаш юзасидан қарор қабул қилган.

Мазкур маъмурий баённома ҳамда чиқарилган қарор ноқонуний бўлганлиги сабабли адлия бошқармаси томонидан уларни бекор қилиш бўйича тақдимнома киритилди.

Тақдимнома ижроси таъминланиб, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг 2013 йил 20 мартдаги 1-сонли қарори билан қўлланилган маъмурий жаримага тортиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, ундирилган умумий қиймати 377.520 сўм жарима суммаси қайтарилди.

**Фарҳод РУСТАМОВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

Фаолият

# Ҳисоботлар даврийлиги

## қисқартирилди

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилинганлиги тадбиркорлик ривожини таъминлаб, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий қудратини янада ошириш, унинг ривожланган давлатлар қаторига кириши учун муҳим замин яратмоқда.**

ТАДБИРКОРЛИК субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун янада қулай шароит яратиш, ҳисобот ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш мақсадида статистика соҳасида ҳам қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юқоридаги Фармоннинг қабул қилиниши муносабати билан 65 та давлат статистика ҳисоботи шакллари ва 23 та давлат статистика ҳисоботларининг тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

Масалан, кичик тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоботлар тизими сезиларли даражада қисқартирилди. Бунда, микрофирмалар томонидан бир йилда 4 марта ўрнига фақат 1 марта, фермер хўжаликлари томонидан 5 марта ўрнига йилда 3 марта ҳисоботлар тақдим этилади. Шунингдек, мазкур Фармон билан 2013 йилдан бошлаб, микрофирмаларнинг фақат йиллик ҳисобот тақдим этишлари, унинг ўрнига микрофирмаларда танлама кузатувларни ўтказиш тартиби белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, мазкур Фармонда ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига ўтиш масалаларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, унга асосан 2014 йилга бориб барча ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар учун 107 турдаги статистика ҳисоботларини интернет тармоғи орқали электрон рақамли калитдан фойдаланган ҳолда тақдим этиш имконияти яратилган бўлиб, 2013 йил 1 апрель ҳолатига Бухоро вилояти бўйича 10317 та хўжалик юритувчи субъект статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этди. Ушбу тизимнинг қулайлиги шундаки, тадбиркорлар ўзларининг офисларида ёки уйларида Интернетга уланган компьютердан www.stat.uz ва www.buxstat.uz сайтларига кириб, керакли ҳисобот дастурини ўз шахсий компьютерига кўчириб, бемалол ҳисоботларни электрон шаклда узатишлари мумкин.

Бунинг учун тадбиркорлар интернет тармоғига уланган ҳамда электрон рақамли калитга эга бўлишлари лозим, статистика ҳисоботи учун алоҳида электрон рақамли калит шарт эмас, бунда солиқ органларидан олинган электрон рақамли калит билан давлат статистика ҳисоботларини ҳам электрон шаклда юбориш мумкин.

Бу орқали тадбиркорларнинг анча вақтларини тежашга, турли оворагарчиликларнинг олдини олишга ҳамда ўз масалаларининг қисқа муддатларда ҳал қилинишига эришилмоқда.

**Баҳодир ГИЯЗОВ,**
**Бухоро вилояти статистика бошқармаси бошлиғи**

Қонун моҳияти

# Маҳалладаги маслаҳат марказлари

## оилавий тадбиркорларга мададкор бўлади

**ЯНГИ таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари 2013 йил 22 апрелдан бошлаб қонуний кучга кирди.**



ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ мазкур қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмак бериши юзасидан қоидалар киритилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли. Маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмайди. Маслаҳат марказлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

Давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашади, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар беради.

Тегишли ҳудудда жойлашган таълим муассасалари фуқаролар йиғини сўровига биноан маслаҳат марказларига қисқа муддатли курсларни ўтказиш учун бўш ўқув хоналарини бериб туриши мумкин.

Давлат органлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фуқаролар маслаҳат марказларининг ишида қатнашиши, хусусан, қисқа муддатли курсларда таълим ва тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Маслаҳат марказлари:

— тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этади, шунингдек, уларга тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот беради;

— бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашади;

— тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

— тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади.

Маслаҳат маркази тўғрисида низом фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

Янги ва эски таҳрирдаги қонунларни солиштирганда шу нарса аёнлашадики, янги ишлаб чиқилаётган қонунлар давр талабини ҳисобга олган ҳолда кун сайин такомиллашиб бормоқда, натижада, фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти янада юқори поғонага кўтарилди, десак муболаға бўлмайди.

**Комилжон ҚАЛАНДАРОВ,**
**Тўрткўл тумани "Guldursunlik advokat" адвокатлик бюроси адвокати**

Турмуш чорраҳаларида

# Хазон бўлган умр

## ёхуд бир оила кечмиши

**ФАЙЛАСУФЛАРДАН бири шундай деган эди: "Никоҳдан ўтиш мажбурий эмас, лекин никоҳдан ўтдингми унинг қонун-қоидаларига бўйсунишга мажбурсан". Бу билан файласуф никоҳнинг инсон ҳаётида муҳим ўрин тутишини ва унинг муқаддаслигини айтмоқчи бўлгани аниқ.**



БОТИР Лайло (исмлар ўзгартирилган) билан никоҳдан ўтди-ю, аммо оила қонун-қоидаларига бўйсунишни эп кўрмади ва алал-оқибат турмуш ўртоғининг умр зарварақларига нуқта қўйилишига ҳамда норасида гўдакнинг пешонасига "етимлик" тамғаси босилишига сабаб бўлди.

Тақдирлари аянчли тугаган Ботир ва Лайлонинг ҳаёти аслида шундай бошланган эди.

Бир-бирларига кўнгил қўйиб, орзу-умидлар ила 2005 йилнинг куз ойида бир ёстиққа бош қўйган бу жуфтликнинг турмуши бошиданоқ чаппасига кетди. Т…нинг дастлабки кунлариданоқ Ботир турмуш ўртоғи Лайлога "уйга келган ўртоқларимга чой қуйиб узатмадинг", дея уни дўппослаб уради. Дўппослаш бора-бора Ботир учун одатга айланади, ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб хотинини урадиган бўлди. Шу орада улар фарзанд кўришади, аммо, бу ҳодиса ҳам оила риштасини мустаҳкамлай олмади. Аксинча, Лайлони энди сен "фалончисан", фарзандинг ҳам меники эмас, дея унга руҳий ва жисмоний озор етказа бошлайди. Унинг бу одатини на ота-онаси, на маҳалла-кўй қолдиролмади. Оилада иноқликни тиклаш учун, уни парчаланишдан асраш учун турли усулларни қўллашди. Аммо оиладаги келишмовчилик якун топмади.

Охир-оқибат Лайло Ботирга ортиқ сен билан яшамайман, дея отасининг уйига кетиб қолди. Бироз вақт ўтгач уларни ота-оналари яна яраштириб қўйишди. Мақсад ёш оилани асраб қолиш эди. Бироқ... Ҳеч вақт ўтмасдан, Лайло ўз жонига қасд қилди.

Жиноят ишлари бўйича Нуробод тумани суди мазкур мудҳиш воқеа тафсилотларини ўрганиб, Ботирга қонуний ҳукм чиқарди ва унга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Ботирни энди, балки бу жазо тузатар, аммо Лайлонинг ҳаёти қайтмайди, ёш гўдак пешонасидан эса "етимлик" тамғаси ўчмайди.

**Азим ҚОДИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Реклама ва эълонлар


**Ҳурматли юртдошлар!**

ASAKA BANK

**"Асака" банки (ОАЖ)**

**қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**"НАВРЎЗ — 2013"**

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилояти филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилояти филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилояти филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилояти филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилояти филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилояти филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилояти филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилояти филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилояти филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилояти филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилояти филиали | 372 | 226-43-11 |

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

***"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди! Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.


Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 майдаги 54-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Мадад маслаҳатчи" адвокатлар ҳайъати адвокати Кенгбоев Абдурахмат Хушвақтовичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000016-серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига асосан амал қилиши суд хукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар тўхтатилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 майдаги 53-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Ярбазаров Хайрулла Бутаевичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000010-серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қарши шаҳар "Sohibquron izdoshlari himoyasi" адвокатлик фирмасига ишга кирганлиги сабабли тикланди.

Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 30 апрелдаги 33-ум-сонли буйруғига асосан Навоий шаҳридаги "Shans-NIKA" адвокатлик фирмаси адвокати Тухтаев Исраил Бабаярович вафот этганлиги муносабати билан унга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 4 июнда берилган NV №000054 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 2 майдаги 127-ум-сонли буйруғига асосан Учкўприк тумани "Нажот" адвокатлик фирмаси адвокати Дўлтаев Ўрмон Вахобжонович Фарғона шаҳар "Фар одил инсон ҳимоячиси" адвокатлар ҳайъатига кирганлиги муносабати билан адвокатлик мақоми 2013 йил 2 майдан тикланди. (Лицензия 10.10.2011 йил FE №000209, адвокатлик гувоҳномаси №284, 02.05.2013 й.)

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси Зангиота туманидаги 10-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Шоира Ташмуҳамедовага онаси
**Шарифа ТАШМУҲАМЕДОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 29 апрелдаги 81-ум-сонли буйруғига асосан "BUKHARA ONLINE ADVOKAT" адвокатлик фирмаси адвокати Тиллоев Иззатилло Зиёдуллоевичнинг тўхтатиб турилган адвокатлик мақоми унинг "Адолат манзили" адвокатлик фирмаси шериклари таркибига кириши муносабати билан бошқарма бошлиғининг 2013 йил 1 майдаги 89-ум-сонли буйруғига биноан тикланди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи маслаҳатчиси Озоджон Шодиқуловга отаси
**Зикирё ШОДИҚУЛОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**ИНСОН ва ҚОНУН** 1996 йилнинг январидан нашр этилади

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7697

**Бош муҳаррир:** Қўчқор НОРҚОБИЛ



**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович



**Навбатчи:** Ёрбек ИСКАНДАРОВ

**Саҳифаловчи-дизайнер:** Тўлқин РАУПОВ

**Нашр индекси: 137**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-7116. **Тиражи — 22416.**

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00



**МАНЗИЛИМИЗ:** 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50



Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5